




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



ISSN 2191-270X
Oriental Journal of History, Politics and Law
2022 VOLUME - 2
DOI:10.37547/supsci

IMPORTANCE OF STUDYING AND PROMOTING ORIENTAL CULTURE AND HERITAGE

Nodir Karimov

*Director of Oriental Culture and Heritage Research Center
at Tashkent State University of Oriental Studies
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Oriental culture and heritage,
Oriental peoples, oriental studies

Received: 14.06.22

Accepted: 16.06.22

Published: 18.06.22

Abstract: The culture of the peoples of the East is extremely rich, and today the interest of the peoples of the world in the masterpieces of this culture is growing. The task now is to study them in depth and promote the results of their research internationally. In addition, the conduct of scientific research aimed at the comprehensive study of literary, historical and philosophical sources in modern Oriental languages imposes a wide range of tasks and responsibilities on our young researchers and scientists. This article discusses the practical work being done to study and promote oriental culture and heritage, their results, and the important tasks planned for the future.

ШАРҚ МАДАНИЯТИ ВА МЕРОСИНИ ТАДҚИҚ ВА ТАРГИБ ЭТИШ ЙЎЛИДА

Нодир Каримов

Тошкент давлат шарқшинослик университети хузуридаги

*Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиши илмий-тадқиқот маркази директори
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Шарқ маданияти ва мероси, Шарқ халқлари, шарқшунослик

Аннотация: Шарқ халқларининг маданияти ниҳоятда бой бўлиб, бугунги кунда ушбу маданиятнинг дурдоналарига бутун дунё халқларининг қизиқиши тобора ортиб боряпти. Эндиги вазифа эса уларни чуқур тадқик қилиш ва изланишларнинг натижаларини халқаро миқёсда тарғиб қилишдир. Шунингдек, ҳозирги замонда шарқ тилларидағи адабий, тарихий, фалсафий манбаларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш ёш тадқиқотчиларимиз, олимларимиз олдига кенг кўламли вазифаларни ҳамда масъулиятни юклайди. Ушбу мақолада шарқ маданияти ва меросини тадқик ва тарғиб қилиш йўлида амалга оширилаётган амалий ишлар, уларнинг натижаси ва келажакда режалаштирилган муҳим вазифалар муҳокама қилинган.

ВАЖНОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ И ПОПУЛЯРИЗАЦИИ ВОСТОЧНОЙ КУЛЬТУРЫ И НАСЛЕДИЯ

Нодир Каримов

*Директор научно-исследовательского центра изучения восточной культуры и наследия в Ташкентском государственном университете востоковедения
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: восточная культура и наследие, восточные народы, востоковедение

Аннотация: Культура народов Востока чрезвычайно богата, и сегодня растет интерес народов мира к шедеврам этой культуры. Сейчас задача состоит в том, чтобы их глубоко изучить и продвигать результаты их исследований на международном уровне. Кроме того, проведение научных исследований, направленных на комплексное изучение литературных, историко-философских источников на современных восточных языках, возлагает на наших молодых исследователей и ученых широкий круг задач и обязанностей. В данной статье рассматривается практическая

работа, проводимая по изучению и пропаганде восточной культуры и наследия, их результаты, а также важные задачи, намеченные на перспективу.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши кераклиги, бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-куват ва илҳом бағишлиши лозимлиги, бунинг учун энг аввало миллий таълим тизимини ана шундай рух билан сугоришимиз кераклиги, бунинг учун эса олим ва мутахассисларимиз, уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарурлиги тўғрисида куйинчаклик билан гапирди. Мазкур нутқни эшитган ҳар бир зиёли инсон жумладан тарихчи, исломшунос, адабиётшунос олимлар ўз олдида нечоғли масъулиятли вазифа турганини чуқур ҳис этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Барчага маълумки сўнги тўрт йилда давлатимиз томонидан жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб қилиш учун барча шароитлар яратиб берилмоқда ва бунга давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Хусусан, Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро тадқиқот марказлари каби янги илм-фан масканлари фаолият бошлади. Бу даргоҳларда диний ва дунёвий илмларда тенгсиз бўлган, жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз илмий мероси ўрганилмоқда. Йиллар давомида турли хазиналарда шунчаки сақланган алломалар ёзма мероси тилга кирмоқда. Халқимиз дунё тамаддунида муҳим роль ўйнаган аждодларини танияпти. Масалан, сўнгги йилларда 100 га яқини маълум бўлган термизлик алломалар сони бугун 200дан ортиқ эканлиги аниқ бўлди. Энг сўнгти тадқиқотларга кўра, насафийлар сони ҳам улардан кам эмаслиги аён бўлмоқда. Уларнинг бебаҳо илмий мероси ўз даврида ҳам бугун ҳам тенгсиз аҳамиятга эгалиги эътироф этилмоқда. Аммо, тан олиш керакки, уларнинг асарларини ўрганадиган, содда ва тушунарли тилда халқимиз ва дунёга етказиб бероладиган ёш манбашунос-шарқшуносларга бўлган эҳтиёж ҳали ҳамон катта.

Тасодиф эмаски, юқоридаги масалалар инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорида Тошкент давлат шарқшунослик университети

хузуридаги Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш вазифаси алоҳида белгилаб кўйилди.

Зеро, шарқ халқларининг маданияти ниҳоятда бой бўлиб, бугунги кунда ушбу маданиятнинг дурдоналарига бутун дунё халқларининг қизикиши тобора ортиб боряпти. Эндиғи вазифа эса уларни чуқур тадқиқ қилиш ва изланишларнинг натижаларини халқаро миқёсда тарғиб қилишдир. Шунингдек, ҳозирги замонда шарқ тилларидағи адабий, тарихий, фалсафий манбаларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш ёш тадқиқотчиларимиз, олимларимиз олдига кенг қўламли вазифаларни ҳамда масъулиятни юклайди. Зеро, юртимиз қадриятлари ва миллий маданий меросимизни дунё миқёсида тарғиб этиш нафақат олимлар ёки зиёлиларнинг, балки санъат ва маданият, маънавият ва ахборот соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир шахснинг бурчига айланиб улгурди.

Шарқ халқлари маданияти ва меросини чуқур ўрганиш ва соҳани оммалаштириш, бу борада илмий мактаблар ва йўналишлар яратиш каби ишларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатишга ҳаракат қилаётган кучларга ҳам муносиб маърифий жавоб бериш билан бир қаторда, уларни шарқона қадриятлар асосида тарбиялаш сингари масалаларнинг ҳам бажарилишига асос бўларди. Марказнинг фаолият йўналиши ва соҳасидан келиб чиккан ҳолда, шарқ мамлакатлари тиллари, тарихи, маданияти, моддий ва маънавий мероси, иқтисодиёти, сиёсати, халқаро майдондаги нуфузи, уларнинг замонавий антропология ва этнологияси, таржимашунослик, шунингдек, туризм ва гид ҳамроҳлиги соҳаларида замонавий билимларни мукаммал эгаллаган, меҳнат бозори учун рақобатбардош бўлган кадрларни тайёрлаш ҳам бугунги кун ва келажак учун ҳам самарадор тизим яратилишининг гарови бўлиб хизмат қиласди.

Олимлар, тадқиқотчилар олдида шарқ мамлакатлари тараққиёт йўллари, уларни таъминловчи омиллар, улардаги замонавий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар, шарқ маданияти ва мероси, қадимий ёдгорлик ва қўлёзмаларни илмий жиҳатдан ўрганиш, мазкур йўналишда илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тадқиқотлар натижаларини турли оммавий ахборот воситалари орқали, конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, форумлар ташкил қилиш йўли билан кенг тарғиб қилиш ҳам олдимиздаги долзарб вазифалардандир.

Энг асосийси, бугунги кунда Шарқ мамлакатларида юз берётган замонавий сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий тенденцияларни, тарихий жараёнларни, шарқ халқларининг маданий алоқалари ва меросини тадқиқ қилиш, улар бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ҳамда мазкур соҳада илмий-оммабоп адабиётлар, дарслик ва монографиялар чоп

этишни йўлга қўйиш эса олимларимиз ва тадқиқотчиларимиз олдига ўта мухим вазифаларни қўймоқда ва шунга мос тадқиқотларни олиб боришимизни даврни ўзи тақозо қилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот марказининг халқаро алоқаларни ривожлантириш борасида самарали ишларни олиб бориш, хорижнинг нуфузли олимлари, Марказлари, тадқиқот институтлари ва университетлари билан доимий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришни ҳам талаб этади.

Навбатдаги асосий ва устувор вазифаларимиздан бири юртимиз тупроғидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, улар томонидан асос солингган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва хорижда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишларини аниқлаш ва уларга бағишлиланган тизимли тадқиқотлар олиб боришдир. Шунингдек, жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Али Кушчи каби олим ва мутафаккирлар меросининг тарихий ва замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини, Алишер Навоий, Заҳиридин Мухаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Мухаммад Ризо Огаҳий сингари мумтоз адабиёт ва санъат намояндлари ижодининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш долзарб вазифаларимиз сирасига киради.

IX-XII асрлардаги Шарқ ренессанси аксарият хориж адабиётларида мусулмон ренессанси ёки “**Ислом маданиятининг олтин асли**” деб аталади. Шу даврда ижод қилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломалар ислом дини ривожига катта ҳисса қўшган бўлиб, уларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, алломаларнинг илмий-маънавий жасорати, улуғ инсоний фазилатларини кенг тарғиб қилиш ҳам марказ зиммасидаги кечиктириб бўлмас вазифалардандир.

ХУЛОСА

Энг асосийси, юртимизнинг улуғ мероси бугун дунё миқёсида сочилиб кетганлиги, уларни имкон қадар юртимизга қайтариш, хорижий фондларда ва архивларидаги мамлакатимиз тарихига оид ёзма ёдгорликлар ва тарихий ҳужжатлар кўламини аниқлаш, уларни ўрганиш, илмий-изоҳли нашрларини тайёрлаш, мамлакатимиздаги қўлёзма фондлари ва музейларида сақланаётган араб, форс, туркий тиллардаги қўлёзма асарлар асосида илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, олимлар ва тадқиқотчилар малакасини доимий ошириб бориш, аждодларимиздан қолган ёзма ёдгорликларга бағишлиланган энг нуфузли илмий асарларини ўзбек тилига ўтириш ишларини йўлга қўйиш, марказ фаолиятига юртимиз ва чет элларда фаолият олиб бораётган ёзма ёдгорликлар бўйича

етакчи шарқшунос олимларни жалб қилиш, иқтидорли талабалар, магистрантлар, докторантлар билан биргаликда стартап, инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш кабилар ҳам марказ фаолиятининг устувор йўналишлариданdir.

Бугунги бошланган хайрли ишларимиз, эртанги кун илмий тараққиёти учун зиёбўлиши шубҳасиз. Сўнгги йилларда янги ташкил этилган тадқиқот марказлари кун келиб, Шарқ Уйғониш даври — Мусулмон Ренессансини ривожида муҳим роль ўйнаган Маъмун академияси, “Байт ул-хикма”, Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактаблари каби дунё илм-фанида муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз. Зоро, Президентимиз тўғри эътироф этганидек, “бизнинг қонимизда”, замонавий тил билан айтганда “генимизда бор”. Аждодлар меросига фақатгина тарихий ёдгорлик сифатида қараб эмас, уларни амалий ҳаётимизга татбиқ этишимиз керак. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос камдан-кам халқларга насиб этган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. <https://lex.uz/docs/4791086>
2. Doniyorov, A., Kariev, A., Aminov, H., & Karimov, N. (2021). The Level of Study of the Religious Image of Mavarounnahr in the IX-XII Centuries. *Journal of Contemporary Issues in Business & Government*, 27(1).
3. Usmanova, S., & Rikhsiyeva, G. (2017). Intercultural Communication. *Tashkent State Institute of Oriental Studies*.
4. Sayfullaev, D. (2016). Parliamentary Diplomacy In Making Of Foreign Policy. *The Advance Science Journal of International Relations*, 1(1), 52-54.
5. Omonov, Q., & Karimov, N. (2020). Importance Of Ancestral Heritage. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(09), 196-202.
6. Sayfullaev, D. B. (2020). CONCEPTUAL BASIS OF THE MODERN WEST AND EAST DIPLOMACY STUDY. *Journal of Legal, Ethical and Regulatory Issues*, 23(2), 1-10.
7. Khudoyberdiyevich, D. A., & Rakhmonqulovich, K. N. (2020). An incomparable book of a great scholar. *Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research*, (6 (8)), 63-71.